

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



Назира БОЙМУРОДОВА
сурат-лавҳаси.

Гулларки, гулдан гўзал, дилларки, дилдан гўзал!

ЯНГИ ФАСЛ МУЖДАЛАРИ

Муносабат

Йилнинг барча фасллари бири-биридан файзли. Ҳар бирида инсониятга аталган неъмату гўзалликлар бор. Лекин уйғониш фасли Наврўзи оламини бошқача бир соғинч билан қаршилаймиз. Унинг чиройидан қалбимизга чирой кўчаётгандек, шахду шиддатидан вужудимизга куч-қудрат қўюлаётгандек бўлади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган байрам тантаналарида яна бир бор ана шу бегубор ҳиссиётларни қалбдан кечирдик. Юртбошимизнинг халқимизга йўллаган байрам табригини тингла эканмиз, бу қадимий байрам барча фазилатлари билан ҳаёл кўзгумизда жонланди.

«Наврўзи олам биз учун энг қадимий, асл миллий, турли мафкура ва сиёсатлардан холи, урф-одатлари-

мизга ва қадриятларимизга жавоб берадиган байрам десам, айни ҳақиқатни айтган бўлман». Президентимизнинг ушбу табрифида Йилбоши жозибаси, бор мазмун-моҳияти билан яққол кўринади.

Тупроқ чечакка, ёмғир дурга айланган бу кунлар бағри кўпинча тинчлик, оқойишталик ошёни бўлган. Чунки бир-биридан гинадор эллар ҳам Наврўз ҳақи-ҳурмати сулуҳ тузганлар.

Унинг ҳар дақиқасида эзгулик, ҳар дақиқасида бағрикенглик айни дамда жўшқинлик бор. Давлатимиз раҳбари ўз табрикларида завқ билан таъкидлаганларидек, майдонларни тўлдириб юборган миллий кураш ва кўпкарларда, дошқозонларда тошларни куйлатиб қайнаётган сумалакнинг хуш бўйларида, ним шафтоли ранг чехрали келинчақларнинг эгилиб бер-

ган саломларида халқимизнинг ҳаммаша ғолибликка, ҳаммаша гўзалликка интилган руҳининг суварати бор.

Заминни «Момо ер» дея табаррук тутамиз. Сўзининг ҳар тоғмисини гавҳарга қиёслаймиз. Дарахтларнинг нинанинг учидек куртакларини «омонлик, сомонлик» дея мангайимизга суртамиз. Бу халқимизнинг Она табиятга буюк эҳтиромидир.

Президентимиз табрикларида алоҳида урғу берганларидек, шу қутлуг уйғониш кунларида биз табиат билан уйғун эканимизни, у билан бир тану бир жон эканимизни яна ҳам чуқурроқ англаймиз.

Наврўз меҳнат фаслининг онаси эканини, бугун мангайимиздан ихлос билан тўкилган тер эртага нуқра бўлиб унишини ҳис этамиз. Руҳиятимизда кечаётган байрам меҳнат, яра-

тувчанлик онларига уланади.

«Орзу-ниятларимиз ушалсин, Ўзбекистонимиз янада обод ва фаровон бўлсин», дея Ватанимиз, халқимизга йўлланган қутлуг тилакка юракларимиз жўр бўлади.

Бу тилак ижобати учун ҳар биримиз масъулмиз. Бу тилак ҳар биримизни ўз вазифамизни сидқидилдан адо этишга ундайди. Кунлар, ойлари чинакам байрамга айлантиргувчи бу инсон тафаккури, заҳматиридир.

Миллий боғдан бошланиб, ерга ба-рака уруғини қадаётган деҳқон дала-ларида кенгайган ёрғун кунлар тонгини шундай кечинмалар билан қарши олаемиз.

Қутлибека РАХИМБОЕВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими.

ТИЛ БИЛГАН — ЭЛ БИЛАДИ

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилган кенг қамровли ислохлар замирида келажакнинг ҳал қилувчи кучи бўлиши ёш авлоднинг ҳар томонлама етуки, она Ватанга муҳаббат, бой маънавий меросимизни қадрлаш, миллий гуруҳ, ахлоқ ва маънавият, умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш каби долзарб вазифалар турибди. Шунингдек, мазкур ислохлар юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, бугунги тезкор жараёнларда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳорати эга бўлган, истикбол вазифаларини илгартириш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган.

Давлатимизнинг жаҳон мамлакатлари билан олиб бораётган иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий алоқалари ривожланиб бораётган бир пайтда мамлакатимиз ёшларининг хорижий мамлакатларнинг ҳаёти, маданияти, урф-одатларига, тилига бўлган қизиқишлари янада кучаяётгани кувончли. Бу каби ҳамкорлик алоқаларининг ривожига хорижий тилнинг, айниқса, инглиз тилининг ўрни беқиебдир.

Тил ўрганиш, унинг аҳамияти, мулоқот воситаси ҳамда кўнгилга йўл толувчи энг тўғри йўл эканлиги тўғрисида ўзбек адабий тилининг асосчиси, буюк бобокалонимиз Алишер Навоий қуйидаги таърифи берганлар:

Сўз зоҳир этар замири иши
кўпгадидин,
Тил мухбир эрур кўнгил нихон
эмгадидин,

Фаҳм айла киши ҳолини сўз
демагидин,
Ким, берди хабар ҳадиси
кўнглидагидин.

Шу маънода Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги **“Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори мамлакатимизда чет тили таълимини ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг замон талабларига мос етуқ мутахассис этиб тайёрлаш каби эзгу мақсадларга йўналтирилган ишларнинг узвий давоми бўлиб, бу борадаги ишларимизнинг янги сифат босқичига кўтарилиши учун ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилади.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда узлуксиз таълим тизимида чет тилларни, асосан, инглиз тилини фаол ўргатиш учун зарур шароит яратиш, замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлашни янада такомиллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўсиб келаётган ёш авлоднинг чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизиди, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг қўлдан фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун кенг шарт-шароит ва имкониятлар яратиш вазифасини амалга ошириш мақсад қилиб қўйилган.

Мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъмин-

лаш орқали ўқувчиларимиз келажакда замонавий фан-техника ютуқларини мукамал ўрганиб, халқаро даражадаги юксак кадрлар бўлиб етишишлари ва мустақил Ўзбекистоннинг янада ривожланишига муносиб ҳисса қўшишлари шубҳасиз.

Шунингдек, ҳар бир таълим босқичида чет тилларни билиш даражасининг аниқ мезонларини назарда тутувчи янги таълим стандартларини тасдиқлаш, умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан бошлаб чет тиллар таълимини узлуксиз жорий этиш, барча даражадаги таълим муассасалари учун ўқув дастурлари, режалари ва дарсликлар ишлаб чиқиш, таълим жараёнини ташкил этиш учун етакчи хорижий ўқув марказларини, чет тиллар бўйича халқаро эксперт ва мутахассисларни жалб этиш ҳақидаги Ўртбошимизнинг қimmatли тақлифлари ёш авлоднинг таълим-тарбияси, уларнинг ёруғ истикболи йўлидаги ғам-хўрликнинг яна бир тасдиғидир.

Биз — ўқитувчилар учун ўзига хос дастуриламал вазифасини ўтовчи ушбу ҳужжат барчага катта масъулият юклайди. Бугунги ёшларимиз орасида чет тилини мукамал билладиганлари, жаҳон адабиёти намуналарини аслиятдан таржима қиладиганлари, ўзлари ҳам инглиз, немис, француз ва бошқа хорижий тилларда ижод қилаётганлари кўп. Бизлар ана шундай қобилиятли ўқувчиларнинг чет тили фанига бўлган қизиқишларини янада қўллаб-қувватлаб боришимиз керак.

Халқимизда «Тил билган — эл билди», деган нақл бор. Бугунги кунда хорижий тилларни ўрганаётган ёш авлод вакиллари учун яратилган барча имконият ва шароитлардан унмол фойдаланиб, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишига ишончимиз қомил.

Азиза НОДИРОВА,
ЎзДЖТУ қошидаги 3-сон академик лицейи инглиз тили фани ўқитувчиси.

ҲИСОБ-КИТОБ МЕХАНИЗМИ

ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Тараққиёт асри деб аталаётган бугунги кунда ҳеч бир соҳани ёки оддий яшаш тарзимизни ҳам, ҳатто ҳаётимизнинг бирон лаҳзасини ҳам электр энергиясиз тасаввур этолмаймиз. У умримизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги “Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш ҳолатини тубдан яхшилаш, тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш ҳамда берилган электр энергияси учун истеъмолчилар қарзларининг қўлайишига йўл қўймаслик, электр энергияси етказиб берувчилар ва истеъмолчиларнинг ҳам шартномавий мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан солиқ органларига тўлов мuddати ўтган қарзларни йиғиш ва юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун маблағнинг тўлиқ тушишини назорат қилиш вазифаси юклатилган.

Ушбу муҳим қарор ижросини таъминлаш мақсадида пойтахтимизнинг Юнусовдун туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан қатор тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, туман электр тармоқлари корхонаси билан ҳамкорликда корхона ва ташкилотлар тўлалигича электрон ҳисоблагичлар тизимига ўтказилмоқда. Таъкидлаш жоизки, мазкур йўналишда жорий йўл бошидан бери туман бўйича 1750 та шартнома имзоланишига эришилди.

Шунингдек, мuddати ўтган дебитор қарздор корхона ва ташкилотлар бўйича Тошкент шаҳар ҳўжалик судига мол-мулк ҳисобидан ундириш юзасидан даъво аризалари киритилди.

Бу ишлардан қўзланган мақсад, аввало, электр ва газ таъминотидаги камчиликларни бартараф этиш, қарздорликка йўл қўймаслик, қолаверса, қонун устиворлигини таъминлашдир. Зеро, унинг негизиди халқ манфаати ётади. Агар истеъмолчи тўловларни ўз вақтида амалга оширса, электр ва газ таъминотида узилишлар юзга келмайди.

Убайдулла ИСОМУҲАММЕДОВ,
Юнусовдун туман ДСИ шўъба бошлиғи.

«ОИЛА САЛОМАТЛИГИ»

доирасида ўтказилган акция ўнлаб оилаларга қувонч бағишлади

Пойтахтимиздаги Тошкент давлат педиатрия тиббиёт институтининг клиникасида “Аёллар кенгаши” РЖБ ҳамда Сингапур “Operation Smile” халқаро хайрия ташкилоти ҳамкорлигида “Оила саломатлиги” акцияси ўтказилди. 15-20 март кунлари бўлиб ўтган акцияда Туркия, Сингапур, Филиппин, Малайзия, Хиндистон, Россия ҳамда АҚШнинг 30 нафар малакали мутахассислари юртимизнинг Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳридаги 180 га яқин юз, жағ соҳасида туғма нуқсонли бор болаларни тиббий қўриқдан ўтказиб, пластик операцияларни амалга оширдилар.

Маълумотларга кўра, ер юзиди ҳар уч дақиқада юзида нуқсонли бор бола дунёга келар экан. Агар бу касалликка қарши операция ўз вақтида амалга оширилмаса, бола тишларининг ривожланишига, эшитиш ҳамда сўзлаша қобилиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

— “Оила саломатлиги” хайрия лойиҳаси “Аёллар кенгаши” РЖБ ва қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан 2008 йилдан буюн амалга оширилмоқда. Ўтказилаётган ҳар бир операция 1000 АҚШ долларини ташкил этади. Бу кўплаб оилаларга оғирлик қилиши шубҳасиз, — дейди, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг клиникасида пластик хирургия бўлими

раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди, доцент **Мурод Жаъфаров**. — Қариндошлар ўртасидаги никоҳ, қизларни эрта турмушга бериш, ноқулай экологик шароитларда яшаш каби бир қатор омиллар болаларни шундай нуқсонлар билан туғилишига сабаб бўлади. Оталар ушбу тиббий хизматларнинг мулкка бепул эканидан жуда хурсанд бўлишмоқда.

— “Operation Smile” халқаро хайрия ташкилотига дунёнинг 104 та мамлакатидан жами 35 минг нафар малакали шифокорлар аъзо бўлган. Улар орасида катта тажрибага эга ўзбекистонлик шифокорлар ҳам бор, — дейди АҚШнинг “Пластик хирургия” клиникаси раҳбари, профессор **Бенжамин Родригез**. — Мен дунёнинг кўплаб мамлакатларида 23 йилдан буюн тиббиёт амалиёти билан шуғулланиб келаман. Тошкентлик шифокорлар юқори малакали бўлганликлари боис ушбу акция доирасида улар билан ишлаш осон кечди. Акция давомида биз нафақат болаларга ёрдам бердик, балки ўзаро тажриба ҳам алмашдик.

Мазкур хайрия акцияси юртимиздаги 180 та хонадонга болалар табассумини ҳадя этганини қувонч билан айтиб ўтиш жоиз.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,
“Оила ва жамият” мухбири

“САНЪАТ ҲУНЧАЛАРИ”:

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган **“Санъат ҳуначилари”** Республика кўрик танлови бўлиб ўтди.

23-25 март кунлари Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи ва Ўзбекистон Давлат консерваториясида ўтказилган ушбу тадбирда кичик гуруҳ 9-13, катта гуруҳ 14-16 ёшгача бўлган мусиқачилар зарбли ва дамли чолғу асбобларининг ижро йўналишида ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Танловда

Оила тотувлигини таъминлаш ҳамда бу кўрғон пойдеворини мустаҳкамлашда азалдан шаклланган қадим қадриятлар, ота-она, фарзандлар, келин-қизларнинг ўзаро муносабатларидаги “ёзилмаган қонун”ларнинг ҳам ўрни каттадир. Бугунги кунда ёшларимизнинг мустақил равишда турмушга тайёрлаш учун барча ўқув муассасаларида уюштирилаётган жонли мулоқот ва суҳбатларнинг асосий мавзуси ана шу ғўзал аңъана ва қадриятлар асосида ўтказилаётганини кўпчиликка манзур бўлаётди. Коллеж ўқувчилари ўртасида ташкил этилган “Ёш оила қўрувчилар мактаби” машғулотларида фаол иштирок этган битирувчилар Оила аталмиш сирли дунё тилсимлари ҳақида қизиқарили ва фойдали маълумотларни чуқур эгаллашга интилишяпти. ФХДБ бўлими томонидан тумани-

миздаги Аграр саноат ва транспорт, Маийш хизмат кўрсатиш ва Педагогика касб-хунар коллежларида ўтказилган машғулотларда “Оила — маънавий қадриятлар маскани”, “Қадриятлар инсоннинг маънавий ахло-

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

кий баркамоллиги негизи” каби мавзулар етарли даражада қамраб олинди.

Бу каби тадбирларда кекса нуронийлар, ибратли оила соҳиблари, малакали мутахассислар ўзларининг мустахлат ва ўғитлари орқали ёшларимиз онгига соғлом турмуш тарзи, тиббий маданият ва энг муҳими, оила тушунчасининг нозик жиҳатлари хусусида ҳаётий мисоллар орқали маълумот беришга ҳаракат қилишмоқда.

Танлов

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мусиқа мактабларида таълим олаётган, вилоят босқичларида ғолибликни қўлга киритган 200 нафарга яқин ёш иқтидорли мусиқачилар қатнашди. Танлов сўнггида дамли чолғу йўналишида Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик-лицейи тарбияланувчилари Азиз Қодилов, Бобур Исмолов ҳамда зарбли чолғу йўналишида В.Успенский номли Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи тарбияланувчиси Зафаржон Муҳаммадов ғолибликни қўлга қиритиб, гранпри соҳибига айланишди.

Ўз мухбиримиз

ФХДБ фаолияти

Айниқса, балоғат ёшига етган, келинлик остонасида турган қизларимизга оиладаги урф-одатлар, муомала маданияти, каттага ҳурмат, кичикка иззат каби ахлоқий омилларни сингдириб бораётганимиз ўз самарасини бермоқда.

Дарвоқе, оилаларда ҳар томонлама соғлом муҳит яратиш, ёшларни ҳар жиҳатдан оиллага тайёрлаш борасида бугунги кунда ФХДБ бўлими, “Қамолот” ЕИХ, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг жойлардаги бошланғич ташкилотлари, маҳалла фаолларининг ўзаро ҳамкорликда амалга ошираётган хайрли тадбирлари қўл келтириб.

Шаҳноза ЗИННАТОВА,
Бука туман ФХДБ бўлими инспектори.

БУНДА АНЪАНАЛАР КИРАДИ ТИЛГА

Наврўз шукуҳи

Янги кун, янги фасл, янги шижоат, янги гайрат... Бундай таърифларни яна узок давом эттириш мумкин. Кўкларнинг келиши одам-зотга ана шундай ажиб фазилат ва бетакрор хусусиятларни ато этади. У ҳам табиатнинг бир бўлаги, унинг ажралмас қисми эканлигини яққолроқ ҳис қиламиз. Атрофнинг кўм-кўк майсалар билан қопланиши, гулу чечакларнинг барқ уриши ўзимизни кувнатса, она заминнинг кўпчиб, янги ҳосил учун шай туриши деҳқону, бекаларни томорқаси сари ошиқтиради, атроф узок толиқлардан сўнг ободлик, муҳтожлиги барчани саришталikka ундайди. Азалдан ободлик, бунёдкорликни касб ва кундалик юмуш деб билган юртимизда Янги кун — Наврўзи олам руҳи келиб юрибди.

Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Кўшработ туманида ҳам бу асл миллий байрам ажойиб кўтаринки руҳда кутиб олинди. Киру адирлардаги яшиллик хо-надонларга кўчди, кўнгилларда ҳаётга, табиату бутун оламга нисбатан завқ уйғонди.

— Наврўз бу йил ҳам бизнинг тоғли туманимизда ўзига хос анъаналар оғушида кириб келди, — дейди Кўшработ туман ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Ҳафиза Болибекова. — Обод турмуш йилида эса байрам шукуҳи бир ой давомидида олиб борилган ободонлаштириш ишлари билан ҳамроҳ бўлди. Хар бир қишлоқ, маҳалла, ташкилот, ўқув муассасалари кенг кўламадаги ободонлаштириш ишларида фаол қатнашдилар. Эътиборли жиҳати, кейинги йилларда бизнинг туманда ҳам мустақиллик санаси би-

лан боғлаб кўчат ўтказиш яхши бир анъана тусига кирди. Жорий йилда ҳам ҳар бир муассаса, маҳалла 22 тупдан манзарали, меваги кўчат ўтказди.

Қолаверса, халқимизнинг азалий одатларига кўра Наврўз кунлари кексалар, ногирон ва етим-есирлар ҳолидан хабар олинди. Худди шу мақсадда 50 нафарга яқин беморлар, боқувчисини йўқотганлар байрам билан қутланди. Бундан ташқари бу каби эзгу амаллар маҳаллаларда фаоллар ташаббуси билан давом этмокда. Ушбу айём кунларида туманимизнинг ўзига хос урф-одатлари, халқ кўшиқлари-ю, термаларини қайта ишлаб, саҳнага олиб чиқаётган ўнга яқин фольклор жамоалари халқ хизматида бўлишди. Аслида бундай жамоалар, ҳар бир маҳаллада ҳам бор, десам муболага бўлмайди.

Бу бежиз эмас, албатта. Сабаби, Ҳафиза опа айтганларидай, чорвачиликка ихтисослашган туманда баҳор келиши биланоқ Наврўзга ҳамроҳанг тарзда қатор миллий удумларга алоҳида эътибор қаратилади. Маҳалла аҳли алоҳида бир жой, катта бино керак деб ўтирмайди. Шундоқ табиат кўйинида, фусункор қир-адирлар кучида катта-ю кичик йиғила бошлайди. Катта қозонларда ош, гўжа, айрон каби оқ таомлар тайёрланади. Янги келинлар барча қишлоқ аҳлига таъзим қилишга чиқади. Хотин-қизлар жўр бўлиб лапару, термаларни доира жўрлигида бошлаб юборишади. Оқсоқол йилнинг ба-



ракали келишини сўраб, дуога қўл очди. Халқ сайиллари кураш, кўпқари каби миллий спорт ўйинлари билан бойитилади.

— Бизнинг қишлоғимиз тоғ оралиғида жойлашган, — дейди Кўшработ туманидаги Озод маҳалласи маслаҳатчиси Жамила Абдуразокова. — Шунинг учун баҳор пайтидаги табиатнинг инжиқликлари, вақт-бевақт келадиған ёмғиру, баъзида қурғоқчиликларга кўникиб қолганмиз. Четдан келганлар бу ҳодисага огриниб қарайди. Аммо бу ерда истикомат қилаётганлар селу, гармселлар, қишнинг хаддан ортиқ совуғи-ю, ёзнинг жазирмасини ўз фарзанди ёки яқин бир кишининг инжиқликларидай қабул қилади, гўё. Шунинг учунми, табиатнинг бу каби турфа «совға»ларига атаб кўшиқлар, шеърлар битилади. Улар оғиздан-оғиз-

га кўчиб, бизгача етиб келмокда. Йилбошида мана шундай кўшиқ, лапар ва ўланлар ижро этилади, йилнинг чорва учун баракали келиши чин дилдан сўралади.

Бизнинг 655 та оилани бирлаштирган маҳалламизда ҳам Наврўзга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Кейинги йилларда кузатилмиш, байрам тантаналари халқ ўйинлари, урф-одатлар намоиши билан бирга ёшларнинг футбол, волейбол, кураш бўйича мусобақаларига, қизлар ўртасидаги турли танловларга улашиб кетаётгани Янги кунга ўзгача бир шукуҳ кўшаптир.

Дарвоқе, тумanning энг чекка ҳудудларидаги халқ кўшиқлари, анъана-ю, одатларини йиғиб, саҳнага олиб чиқаётган фидойий инсонлар ҳам бор.

Яхши келса хут дейдилар, Қозон тўла сут, дейдилар, Чорвадору чўпонларнинг Ризку рўзи бут дейдилар.

— Йилбошида кўп бора айтиладиган термалардан бири бу, — дейди Кўшработ туман маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли «Ҳасанбобо» қишлоқ маданият уйи директори Саликул Курдошов. — Наврўзга бағишланган айрим урф-одатлар, расм-русумлар, хайрли амаллар бир замонлар унутилиб кетган эди. Мустақиллик шарофати туфайли, бундай халқона анъаналар тикланди. Биз жойларга чиқиб, уларнинг аксариятини йиғдик, «Ёзбулок» болалар фольклор жамоаси аъзолари билан уларни намоиш этишга ҳаракат қилдик. Йилбошида барчага яхши ниятда оқ рангдаги таомлар тарқатилиши, йилнинг серунум келиши учун бугдой совурилиши, чўпон, мироб сайланиши каби амалларнинг ҳаммаси маълум бир кўшиқлар билан биргаликда олиб борилган. Боболар ўзига хос, момолар яна бир ўзгача халқона кўшиқлар қуйлашган. Бугунда бу кўшиқ ва одатларни йиғиб, саҳнага олиб чиқаётимиз.

Ҳа, Наврўз сайиллари туманда табиат ҳодисалари билан уйғунлашиб кетган. Қир-адирлар, тоғларнинг саботи, мардонаворлиги одамлар юрагига кўчиб, уларнинг меҳридан табиат товланиб, ўз ҳаётига мазмун бағишлаётган кўшработликлар учун баҳорий байрамлар ҳақиқий шодиёна, миллийлигимизни тараннум этувчи сайил сифатида янаям қадр топаётир.

Гулруҳ МҲМИНОВА,
«Оила ва жамият» мухбири,
Самарқанд вилояти.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Республикамизда фуқаролик жамиятини барпо этишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли йил сайин тобора ортиб бормокда. Бунинг учун барча ҳуқуқий асослар яратилган.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси аёллар ва оилалар манфаатларини ҳимоя қилувчи йирик жамоат ташкилоти сифатида халқаро ва нодавлат нотижорат ташкилотлар, хусусан, аёллар ва оилалар масалалари билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари билан мустаҳкам ижтимоий ҳамкорликда фаолият олиб бормокда.

Кунги кеча республикамизда аккредитация қилинган халқаро ташкилотлар ҳамда ҳамкорликда фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирокида «Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг ўрни» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Республикамиздаги халқаро ташкилотлар, давлат ва нодавлат ташкилотларни хотин-қизлар кўмиталарининг барча йўналишларда олиб бораётган фаолиятига кенг жалб этиш, «Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳамда кўмита тизимидаги дастур ва режалар ижросини таъминлашда халқаро ташкилотлар имкониятларидан кенг фойдаланиш, аёллар ва оилалар муаммоларини ҳал этишда ижтимоий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда эришилган ютуқларни тарғиб этишни ўз олдига мақсад қилган мазкур тadbирда келгусида ижтимоий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга доир фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

Нилуфар САПАЕВА,
«Оила ва жамият» мухбири.

ОРЗУЛАР МАҚСАДГА АЙЛАНСИН!

Истеъдод

Эъзозхон Козимованинг кўнглида ўзбек миллий кўй ва кўшиқларига меҳр уйғонганда у ҳали жажигина қизалоқ эди. Санъатга бўлган қизиқиши уни бу йўлда янги

изланишлар сари чорлади. Ўз устида тинимсиз ишлаб, ўзбек миллий ва фольклор рақслари санъатининг сир-асрорларини ўргана бошлади.

Эъзозхон бугунги кунда 1-Тошкент педагогика коллежининг 3-босқичида таҳсил олиш билан бирга, «Қамолот» ЁИХ бошланғич ташкилотига аъзоси сифатида қатор жамоат тadbирларида фаол иштирок этмокда.

— Болалигимда жуда кўп соҳаларга қизиққанман, — дейди биз билан суҳбатда. Танлаш вақти келганида эса миллий ва фольклор рақсларига бўлган қизиқишнинг устулки қилди. Мана бир неча йилдики, устозим, Ўзбекистон Респуб-

ликасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, профессор Саодатхон Йўлдошевдан ўзбек миллий ва фольклор рақс санъатини ўрганиб келяпман. Халқимиз маданий ме-

росининг бир қисми бўлган фольклор рақс санъати миллиятимизнинг азалий қадриятлари, урф-одатлари, соф табиати ҳамда нақадар бағрикенг ва савоатли эканини намоиш этади. Мен бу йўлда устозлардан меҳор бўлиб қолган фольклор рақсларини нафақат республикамизда, балки бутун дунё саҳналарида ҳам ижро этишни истайман. Бугунги изланишларим ана шу мақсадга йўналтирилган.

Эъзозхон Козимова Тошкент давлат санъат ва маданият институти қошидаги «Чашма» фольклор ансамблининг иштирокчиси сифатида ҳам туман, шаҳар ва республика миқёсида ўтказилган бир қатор фестивал ҳамда танловларда фаол иштирок этмокда. Мам-

лакат миқёсида ўтказилаётган «Барҳаёт анъаналар», «Оналар қуйлаганда» каби бир қатор фестивал ва кўрик-танловларда, «лапар ва ўлан ижрочиларининг анъанавий республика кўрик-танловида», «Ўлан айтгани келдик» мавзусидаги анъанавий фольклор санъати байрамида совринли ўринларни қўлга киритди. Шунингдек, «Йил сардори» йўналишининг қолибаси ҳамда «Келажак овози» танловининг республика босқичида «Анъанавий ва амалий санъат» номинацияси бўйича қолиба сифатида эътироф этилди.

— Эъзозхон бошқа тенгдошларидан ўзининг серғайратлиги, танлаган соҳасида изланишларда тиниб-тинчимаслиги, интилувчанлиги билан ажралиб туради, — дейди Тошкент давлат санъат ва маданият институти профессори Саодат Йўлдошева. — У ўзига юклатилган вазифаларга масъулиятли ёндошиши билан тенгдошларига ўрнатилган бўладиган истеъдодли ёшлардан.

Эъзозхон машғулотлардан бўш пайтларида тикиш-бичиш ишлари билан шуғулланиши, турли матолардан буюм ва гуллар ясашни ўзига одат қилиб олган. Шу билан бирга спортнинг волейбол, стол теннис ва енгил атлетика турларига ҳам қизиқади.

Барно МИРОДИЛ қизи.



Валижон Шамшиев номини эшитганда беихтиёр юзимизга кулгу югуради. Унинг ичак узди хангомаларини мирикиб тинглаймиз. “Қайтмас”, “Такдир зарбаси”, “Қизилжарлик Эшмат” каби кинофильмларда яратган образлари эса соддалиги, самимийлиги ва ўзига хос мардона феъл-атвори билан аллақачон мухлислар калбидан жой олган. Кейинги йилларда эса Валижоннинг яна бир ажойиб кирраси намоён бўлаётир: яъни шарқона кураш турларидан каратэ, шотокан каратэ-до ва чун-кук-до бўйича ўтказилаётган нуфузли мусобақа ва чемпионатларда у голиб ва совриндор бўлиб кайтмоқда.



лаб яна соат 5.00 да туришимга тўғри келарди. Шу тарзда ишларим ва ўқилишим давом этарди.

Шу пайтгача бир донаям сигарет чекмадим, спиртли ичимлик ичмадим. Талабалик йилларимда, “Агар ҳар куни сигарет чексам, бир ойда шунча пулим кетаркан, уни йиғсам, бир йилда мана бунча бўларкан”, деб уйлаганман. Пулларимни тежамкорлик билан ишлатиб, жамгарганман ва 4-курсни битирганимдан кейин Тошкентдан уй сотиб олганман.

— Спорт мусобақаларида қачондан иштирок эта бошладингиз?

— 2008 йилда устозим, 6-ДАН “кора белбоғ” соҳиби Хўжамқул

рида иштирок этамиз. Ўша ерда яшаётган ўзбеклар учун ижодий учрашувлар ўтказишга ҳаракат қиламиз. Улар Ватанимизни, санъатимизни, тилимиздаги товланишлар, қизиқ-қизик аскияларимизни соғинишади. Учрашув ва концертларимиз хатто уч соатга чўзилиб кетган пайтлари ҳам бўлган. Булар санъаткор ва спортчи сифатида менга гурур бағишлайди.

— Катта сахналарга каратэчи чол образини олиб чиқдингиз. Унинг ҳаракатлари ҳаммани ҳайратга солди ва айни пайтда томошабинларга ўзгача завқ улашди. Кейинчалик “Қайтмас”, “Такдир зарбаси” “Қизилжарлик Эшмат” каби кинолар катта экранга чиқди. Шарқ яккакураши билан шуғулланганингиз учунми, санъат ва спорт уйғунлигидаги бундай киноларни томошабинлар

томошабинлар билан тўлапти. Аммо баъзан саёз мавзули фильмларни кўрганда одамнинг кўнглида оғриқ уйғонади. Айрим актёрлар кинодаги қаҳрамон ҳолатини оддий ва бир хил ифодалашапти. Ёшларнинг дунёқараши уларга қараб шаклланаётгани ҳам бор гап. Масалан, ёшларнинг кўпчилиги “Сени севаман”, деган гапни ҳамма бир хил айтиши ва худди кинодагидек таъсирланиши керак экан деб ўйлашади. Аслида эса ўндай эмас.

Театр ва рассомлик институтида ўқиб юрган кезларимиз, ҳар бир ҳолат устида ҳафталаб, ойлаб ишлаганмиз. Образнинг ички оламини очиб бериш учун қанча тер тўкканмиз. Агар ҳозирги ёш актёрларимиздан ҳам айнан мана шундай масъулият талаб этилганида эди, киносанъатимизнинг янада ривожланишига ҳисса қўшган бўлардик.

— Сизнинг шундай даражаларга етишишингизда болалигингиз кечган ўшалар, қолаверса, оилангиз, ота-онангиз қандай таъсир кўрсатган?

— Ёшлигимда қишлоғимиздаги булоқнинг тиниқлиги, шаффофлиги мени ҳайратга соларди. Унинг атрофида бир ўзим мол боқардим ва ҳеч кимни яқинлаштирмасдим. Санъат ана шу булоқ сувидек тиниқ бўлиши ва ҳаммаша қайнаб туриши керак, деб ўйлайман. Қайнаб турган булоқнинг йўлини тўсиш қийин-да.

Мактабда айтилган вазифаларни ўз вақтида бажарганман. Ўн йил ўқиб, бирор марта дарсдан қочмаганман.

Халқимизда олманинг тағига олма тушади, деган гап бор. Дадам бутун қишлоқни қулдирган одам. Ўзи жиддий туриб, ўзи қулмай қулдирган. Онам ҳам гапга чечан, ҳаммани гап билан мот қила оладиган, керакли жойда аёлларнинг даврасини қиздирганлари учун ҳам мактабимиздаги фольклор ансамблига қатнашарди. Мен ана шундай оддий ва камсуқум сўз усталарининг фарзандиман.

— Эндиликда ўзингиз ҳам отасиз. Болалар тарбиясида нималарга эътибор бера-сиз?

— Улар билан кўпроқ суҳбатлашишга, жиддий мавзуларда ҳам фикрларини билишга ҳаракат қиламан. “Сиз бу масалада нима дейсиз, ўғлим”, дея савол берсам, улар нуқлай аҳволда жилмайишади. “Майли, бир ўйлаб кўринг”, деб вақт бераман. Кейин яна шу саволга қайтаман. Шу тариқа болалар фикрлашга ўрганишади, деб ўйлайман. Албатта, ўқиш ва билим олишлари, спорт билан шуғулланишлари учун ҳамма шароитларни яратишга ҳаракат қиламан. Фарзанда энг аввало ота ибрат бўлиши керак, деб ўйлайман.

— Мухлисларга тиллақларингиз...

— Сиз билан гурунглашаётиб, ҳаёлимга, “Манзили узоқ, кўнгли яқинлар яхшидур, кўнгли узоқ яқинларингдан кўра”, деган фикр келди. Мен кўнгли яқин мухлисларимизга ҳаммаша соғлиқ-саломатлик, оилаларига хайр-барака ва энг муҳими, хотиржамлик тилайман. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, хонадон ва маҳаллаларимиз обод бўлсин. Байрамлар, тўйлар кўпайсин.

“Оила ва жамият” муҳбири
Хамроҳон МУСУРМОНОВА
суҳбатлашди.



ФИЛЬМ — бу сўз тилимизга инглиз тилидан кириб келган бўлиб, унинг туб илдизи “парда” деган маънони англатган.

Кеча охирида “Кўринмас киши” бадий фильми намоиш қилинди.

Саид Аҳмад

ЧОПАР — муҳим аҳамиятга эга ва ошиғич хабарни етказиш учун юборилган отлик, сувори қадимда тилимизда “чопар” деб аталган. “Чопар” сўзининг туб илди-зи “чопмоқ” феълига бориб тақалади.

Намозгар пайти Кўқондан чопар келиб нома ташлаб кетганди.

Худойберди
Тўхтабоев

КУЛОЧ — Маҳмуд Қошғарий бу сўзни “қўл” ва “оч” сўзларининг бириккувидан келиб чиққан деган. Яна бошқа олимлар турли тахминларни илгари сурадилар. Лекин, Қошғарий фикри асосли қўринади. Чунки, қулоч одамнинг икки қўли икки ёнга ёйилганда, очилганда ҳосил бўлади. “Ўзбек тилининг этимология лугати” да бу сўзни “қўл” ва “уч” отларининг қўшилишидан ҳосил бўлган деган фикр ҳам айтиб ўтилган. Яъни, икки қўлнинг ёйилган ҳолатидаги икки учи маъносида бу фарз илгари сурилган.

**Бир қулоч арқон.
Уч қулоч ёғоч.**

ТИЛЛАҚОШ — аёлларнинг тилладан ясалган ёки тилла суви югуртирилган, пешонага тақиланган безак буюми тилимизда “тиллақош” деб аталган.

**Заргар ясар,
тиллақош,
Келинчақлар
таксин деб.
Йиглаб олай,
маржон ёш
Оқ юзимга
оқсин деб.
“Қушиқлар”
китобида**

**Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.**

ҚИЗИҚЧИ — АКТЁР ВА... СПОРТЧИ

— Валижон, таҳририятимизга хуш келибсиз!

— Хушвақт бўлинг. Биламан, жуда кўп саволларни тайёрлаб қўйгансиз. Қани, нималарни сўрамоқчисиз?

— Аввало яхши маънода кўнгил сўрасам, дегандим...

— Қандай яхши. Кўнгил олганлар барака топади (қулади).

— Ютуқларингизни тахлил этарканмиз, истеъодлар кўп қиррали бўлишади, деган гапга ишонч ҳосил қилаёلمиз. Элимизнинг севимли қизиқчиси, бир қатор ролларни қойилмақом қилиб ижро этган актёр, яна спорт соҳасидаги муваффақиятлар... Бунчалик кўп ютуқларга эришишингизнинг сирини нимада?

— Яна бир жиҳатимни санаб ўтмадингиз-ку, кейинги пайтда “Дилкаш лахзалар” телешоусида қўшиқ ва лапарлар қўйлаб, хонандаликка ҳам даъво қила бошладим.

Энди жиддий жавобларга ўта қолайин. Аслида болалигимданок жуда ҳаракатчан одамман. Тошкент давлат театр ва рассомлик (ҳозирги Тошкент давлат санъат ва маданият) институтида тахсил олаётган кезларимдан буён кун тартибига қатъий риоя қиламан. Ҳозир эсласам, ўша кезлар бир кунда беш соатгина ухлаган эканман. Богбонлик қилардим. Ҳар куни эрталаб албатта югурардим. Куёш чиқмай туриб богдаги ишларни саранжомлаб, ўқишга ошиқардим. Институтда энг баланд стипендияни олиб ўқиганман ва айни пайтда Ёш томошабинлар театрида ҳам ишлардим. Кечки пайт беш ёки олтида ишдан чиқиб, эл хизматиға — тўй-томошаларга борардим ва қайтиб келгач, дарсларимни тайёрлаб, кейин ухлардим. Кечаси 12.00 да ухласам, эрта-

Хўжақулов “Бир айланиб келасиз-да”, деб шотокан каратэ-до бўйича Руминиянинг Бухарестида бўлиб ўтган Европа очик чемпионатиға таклиф қилди. Бордик. Беллашулар бошланди. Қарасам, қатнашчилар орасида фамилиям йўқ. Устоз менинг зарба еишимдан кўрқиб, рўйхатга киритмаган экан. Мен эса мусобақага зимдан ҳозирлик кўрган эдим. Беллашуларга туширишларини сўрадим. Буни қарангки, омад боқиб, 3-ўринни қўлга киритдим. 2009 йилда Американинг Лас-Вегас шаҳрида чун-кук-до бўйича ўтган мусобақада қатнашдик. (Шарқ яккакура-шининг америкача бу усулига машҳур актёр ва спортчи Чак Норрис асос солган.) Шундан буён мазкур чемпионатга ҳар йили бораёпмиз. Мамлакатимизда каратэ ва шотокан каратэ-до бўйича чемпионатларда ҳам қумуш ва бронза медалларини қўлга киритдим. 2012 йил яна Лас-Вегасга бориб, чун-кук-до йўналишида 2-3-ўринларни олдим.

Хурсанд бўлганим, у ерда бизни яхши танишади. Бир воқеа сира эсимдан чиқмайди. 2010 йилда финалга чиқаётганимда рақибим бурнини синдирди. Зарба жуда қаттиқ бўлган, сира қон тўхтамасди. Мусобақадан кейин, “Нимага қўзингиздан бир томчи ҳам ёш чиқмади”, деб сўрашди. Мен уларга, “Учинчидан, чун-кук-до билан шуғулланаман, иккинчидан, эркакман, йиғламадим, биринчидан, мен Ўзбекистонданман”, дедим. Шунда гулдур-рос қарсақлар бўлиб кетди. Шундан кейин мени қаерда кўришса, “Ўзбекистондан” дея атайдиган бўлишди.

Ҳар сафар мусобақаларга борганимизда Нью Жерси штатида Америкадаги элчихонамизнинг бир қатор тадбирла-

кўпроқ сиздан кутишади.

— Тўғри айтдингиз, гоҳида мени Жеки Чанга қиёслашади. Томошабинлар янги фильмларимизни кутаётгани сир эмас. Сценарийларимиз бор. Бу борада ўғлим Шамсиддин менга ёрдам берапти. Балки шу йил ёз ойларида яна янги фильм олиш учун ишга киришармиз.

— “Қайтмас” катта экранларга чиққан кезлари кинозаллар анчагина ҳувиллаб ётган эди. Кино намоишидан олдин томошабинлар билан учрашувлар ўтказиб, кейин фильм тақдим этиларди. Бир сафар техник носозлик туғайли “Қайтмас” намоиш этилмай қолган экан. Билетлар сотилган, томоша бошланган. Сиз эса бор-ўйи 10-15 дақиқалик чиқишга тайёрланиб келгансиз. Аммо ўшанда томошабинларни икки соат мобайнида залда ушлаб тура олгансиз. Айтнинг-чи, шундай пайтда санъаткор қаердан қуч олади?

— Бундай пайтда ўйлаб ўтиришдан кўра, дарҳол қарор қабул қилишим керак эди. “Ҳозир сизларга икки соат томоша кўрсатиб бераман, фильмин эса эртага келиб қайтадан кўришингиз мумкин”, дея эълон қилиб юбордим. Ёнимда ёрдамчилар йўқ. Саҳнада ёлғиз ўзим. Одамларни икки соат ушлаб туришга худойим қуч қувват берди. Ўшанда мактабда олган сабоқларим қўл келган, деб ўйлайман. Ўқитувчиларим, “Қанча кўп китоб ўқисанг, дунёқарашинг шунча кенгайиб боради. Қайси соҳада ишласанг ҳам бу сенга асқотади”, дейишарди. Яхшиям, уларнинг айтганини бажариб, кўп китоб мутолаа қилган эканман. Шулар энди қўл келяпти.

Ҳозир эса кино саройларида 12 та зал бўлса, ҳаммаси

Аёл зоти табиятан жуда нозик, латифатли, чиройли хулқ-атворга лойиқ қилиб яратилган. Ҳеч бири туғилганидан эркакшода бўлиб қолмайди. Афсуски, баъзида автобусда, бозорда, жамоат жойларида юрганимизда айрим хотин-қизларни муомала маданиятини билмасликлари натижасида беҳаё сўзларни ишлатиб, аёл зотиға ярашмайдиган қилиқлар қилаётганини кўриб, ёқа ушлаймиз. Ҳатто эркакчасига сўкинишдан тап тортмайдиган, бетгачопар, шартаки ожизаларнинг борлиги кишини ўйлантириб қўяди. Хўш, аёлларимиз табиатида "эркакшодалик"-фейл-атворининг шаклланишига нима сабаб бўлаяпти?

ВОКЕА:

— Нафақамни олган куним қўйлик бозорига боргандим, тухум сотиладиган раста олди-дан ўтаётим, иккита сотувчи аёлнинг ўзаро тортишгаётгани устидан чиқиб қолдим, — дейди кекса бир онахон.

"Бу жой менга қарашли, туёгингни шикиллат", деди 30-35 ёшлардагиси рақибининг тухум тўла қутиларини оёғи билан тепиб.

"Этиборинг учун шу жойни банд қилиб турсин, деб сажарлаб эримни жўнатиб юборганман. Ишонмасанг ўзидан сўра", қўлини пахса қилиб ўшқирди сочини сариққа бўяб олган аёл.

Хуллас, бу икки "пултопар"лар бири-бириндан сира бўш келмади. Сен мендан бошланган жанжал, салдан кейин эркакчасига сўкинишга айланди. Бу ҳам уларни тинчлантирмади шекилли, бир-бирларининг сочларини, юзларини юмдалай бошлашди. Атрофда ҳамма томошабин. Муросага келтирай деб бир-икки оғиз гапиргандим, сочи сариги "Сиз аралашманг", деб силтаб ташлади. Ҳаммасидан ҳам унинг эрини индамай, томошабин бўлиб тургани менга ёмон таъсир қилди.

ОНА ЎЖАР БЎЛСА...

Махбуба Мирахмедова, Тошкент шаҳар "Оила" маркази директори ўринбосари:

— Эркакшодаликка мойилликни икки хил кўриниши мавжуд. Биринчиси, аёл киши ҳомиладор бўлган кундан бошлаб унинг кундалик ҳаётида кўрган кечирган воқеа-ҳодисалар марказий нерв системаси

АЁЛДА ҲАЁ БЎЛМАСА...

орқали ҳомилага ўтади. Онанинг организми ҳомила учун ташқи муҳит ҳисобланади. Агар аёл шу даврда жиззаки, уришқоқ, асабий ҳолатда юрса, унинг кечинмалари ҳомилага ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Агар фарзанди қиз бўлса, шаддодроқ, тақаббурроқ, ўзининг айтганини қилдиради, ғарбдор бўлади. Айрим қизлар характеридаги эркакшодалик она қорнидаёқ шаклланиб, десак хато бўлмайди.

Энди иккинчи сабабига тўхталсак. Баъзи бир оилаларда кетма-кет икки ёки учта ўғилдан кейин қиз туғилди, ёки бунинг акси. Қизалоқнинг акалари кураш тушади, футбол ўйнайди, велосипед минади, табиий равишда сингил ҳам уларга тақдир қилади. Бундай қизларнинг характерига ўғил болалик сифатлари ёшқандан сингил қолади.

Аммо аёлни рўзгор юқини елкасига олиши, оиласини моддий таъминлаши натижасида эркакшодаликка мойиллик ҳолатларининг пайдо бўлиши эса бошқа масала.

Одина Отажоновна, психологика фанлари номзоди, доцент:

— Аёл киши оила қурганидан кейин эркакдан кўп нарсани кутади. Агар эркак оилани иқтисодий жиҳатдан таъминламаса, аёл бу ташаббусни қўлга ола бошлайди. Яъни мен сизни шунча кутдим, лекин ҳаракат қилмадингиз, дейди-да, маълум бир соҳада ўзини синнаб кўришчи бўлади. Албатта энг биринчи навбатда ўзини савдо соҳасига уради. Маида-чуйда нарсаларни сотиб, пул орттириш орқали аёл оиласининг моддий эҳтиёжларини қондира бошлайди. Эҳтиёж

сабаб қўйилган биринчи қадам аёлнинг пул топиш учун қўллаб одамлар билан мулоқотга киришиши уни маълум тўсиқларни енгишига олиб келади. Мисол учун, ибодатчи четга суриб, кимларгадир терс гапириш. Заҳри бўлган ҳолатларда жанжаллашиб, нима бўлганда ҳам ўзининг мақсадига эришиш, кўпроқ манфаат олиш учун керак бўлса ёлғон ҳам ишлата бошлайди. Энди ўзидеги аёллик нафосати, назокаати йўқолиб бораётганини ҳам сезмайди. Энг ёмони, атрофдаги одамларга белисанд муносабатда бўлади.

КИМ АЙБДОР?

Сайёра Йўлдошева, ўқитувчи:

— Янги келин бўлиб тушганимда турмуш ўртоғим талаба эди. Бир йилдан кейин қайинсинглим ҳам мактабни тамомлаб, Фаргона давлат университетига шартнома асосида ўқишга кирди. Ўғлим бир ёшга тўлганида қайнонамнинг қистови билан мен ҳам талаба бўлдим. Учта талабани ўқитиш, моддий томондан таъминлаш қайнотамга осон бўлмади. Ўша пайтларда баъзида қозон қайнатишга имкон бўлмаган кунлар бўлди. Ўқимни тугатгунча бозорга чиқиб савдо қилсамикан, деган фикрга келиб, қароримни хўжайинимга айтсам, "Бизнинг оиламизда иқтисодий муаммоларни эркаклар ҳал қилади. Бир-икки йил сабр қилсангиз ўқимни тугайди. Ишга жойлашман. Сиз ҳам ишлайсиз, қийинчиликлар ўтиб кетади", деб фикримдан қайтарди. Ўқимни тугатиб, ишга кирдим. Ҳозир қайнона-қайнотам нафақада, кексалик

гаштани суриб яшашапти. Хўжайиним иккимиз топган пул бемалол рўзгорга етаяпти. Менинг назаримда «эркакшода» аёлларнинг пайдо бўлишига кўпроқ эркакларимиз айбдор. Бундайларни катта майдонга чиқволиб, ҳамма сўзни баралла айтишга ўзларида куч топишлари учун эркаклар чегарасиз йўлақларни очиб беришди.

Х. Жўраева, тadbбиркор:

— Йигирма икки йил савдо-сотиқ билан шуғулландим. Иккита ўғлим, бир нафар қизим бор. Вақтида пул топиб, оиланинг иқтисодий муаммоларини ҳал қилдим. Фарзандларимнинг талабларини ҳам қондирдим. Оилада ҳамма менинг хоҳиш-истагимга қараб яшарди. Мен фармонбордор аёлга, эрим эса ижроҳига айланганди. Айтганим айтган, деганим деган эди. Ўзимга ҳам шундай яшаш ёқарди. Соғлигим ёмонлашиб, уйда ўтириб қолгач, фарзандларимнинг тарбиясини бой берганимни тушуниб етдим. Ўғилларим уйлангач, ўзи билан ўзи бўлиб кетди. Мен билан ишлари йўқ. Икки йил олдин қизимни яхши бир хонадонга узатгандим. Аммо қайнонаси билан келиш-оламади. Арзимаган нарсаларни деб жанжаллашиб қолаверди. Қайнонаси қизимнинг телефонида фойдаланган экан, нега сўрамасдан олдингиз, деб бақирибди. Қўни-қўшилар ўртага тушиб, муро-сага қақирибди, уларга ҳам сўз бермабди. Жанжалдан хабар тогган қайнотаси бизга бундай уришқоқ келин керак эмас, деб ҳайдаб юборибди. Қизимни шундай бўлиб қолганига ўзим сабабчиман. Чунки уни ёшли-гидан бозорда савдо қилишга ўргатдим. Унинг тили бозорда чикиди.

М. Мирахмедова:

— Тўғриси, эркакшодалик хислатлари барча соҳада меҳнат қилаётган хотин-қизлар орасида ҳам талайгина. Аммо масаланинг бошқа жиҳатига теран нигоҳ билан қаралганда қунонимизга асосли сабаблар бор. Чунки шаҳримизнинг исталган бозорлариға борган кишининг кўзи даставвал у ерда савдо қилаётган хотин-қизларга тушади. Айниқса, хориждан келадиган меҳмонлар, сайёҳлар тарихий жойларни зиёрат қилиш билан бирга, албатта бозорларимизни ҳам бориб кўради. У ердаги савдо-гарларнинг муомаласи орқали юртимизда маданият қай даражада ривожланганини кўради. Бир тақлифим: балки

Мунозара учун мавзу

бу аллақачон йўлга қўйилгандир, мен беҳабар қолгандирман. Агар имкони бўлса, шаҳримиз туман марказларида жойлашган бозорларда босқичма-босқич маънавият соатлари ташкил этилса. Оилашунос олимлар, руҳшунослар, ҳуқуқшунослар иштирокида маънавият дарслари ўтказилиб бориlsa, менимча фойдадан холи бўлмасди.

О. Отажоновна:

— Аёлнинг ўзидеги гўзал сифатларни йўқотишиға давр айбдор эмас. Тарихга бир назар ташлайлик. Ахир биз ил-диз бақувват халқнинг, ўз хулқ-атвори, ибосио ҳаёси билан бутун дунёга номи кетган мард аёлларнинг авлодларимиз-ку! Бибихоним, Тўмарис каби мард, жасур аёллар бугунги кунда бизнинг орамизда ҳам талайгина. Бугун бизни тинч-осуда ҳаёт кечиришимиз учун ватанимиз чегара ҳудудларида қанчалаб йигитлар хизмат қилишяпти. Улар орасида мамлакатимиз осудалиги, осойишталигини таъминлаш йўлида оламдан ўтганлар бор. Уларнинг фарзандлари аёлининг қўлида қолди. Буни қисмат деб билади ўша аёллар. Эрақини йўқотган кунидан бошлаб фарзандлари учун мардонавор туриб меҳнат қилаяпти. Хар соҳада ўзларининг ҳам иқтидори, қобилиятини кўрсатиб, фарзандларига ҳам ота, ҳам она бўлаяпти. Афсуски, ёнида келишган эркакга туриб, эркакшода бўлиб бораётган аёллар ҳам қанча?

Аёл дегани бу менинг назаримда бутун бўй-баста, юриш-туриши, гапириши, ўзини тутиши, қийиниши билан гўзал дегани. Аёл эркак бўлиб сўкинганида, бир-бирининг юзига чанг солиб тепкилашган пайтдан ўша гўзаллик тугайди. Қўхна Шарқ ўзининг ҳаёли ва ибодат аёллари билан маълум ва машҳур бўлган. Гарчи, аёл нечоғли мафтункор ва хушсўбат бўлмасин, шарму-ҳаёси йўқ бўлса у ҳамманинг кўзига хунук кўринади. Агар ҳаёт талаб қилса, аёл ўзида ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтиши учун куч, ирода топа олади. Шоира Зулфия Мўминова сўзи билан айтганда: "Аёл қулиб туриб ўлиши мумкин, дунёни олиши мумкин жилмайиб".

Нигора РАҲМОНОВА,
"Оила ва жамият"
муҳбири.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қўйидаги ўқув курсларига тақлиф этилди:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.	Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.	Гўзаллик салоҳиғи тайёрлаш — 1 ой.
Аёллар костюм-шим, плаш-пальто — 1-2 ой.	Каштачилик — 3 ой (машинада ёшишқа).
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.	Тўқувчилик — 2-3 ой.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).	Инглиз тили — 3 ой, Рус тили — 3 ой.
Тиббий массажа — 2 ой. Нўтали — 1 ой.	Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.	Декоратив гул, сарпо қўти ва саватлар ясаш — 2 ой, Бисердан гуллар, дарахлар ясаш — 2 ой.
Торт олий курси — 1 ой.	Карвинг (мева ва सबзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.	Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.	
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.	
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.	
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.	
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.	

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқиниш тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.

МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехкон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийин бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

Савол-жавоб

ҚОНУНГА БИНОАН...

Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари ҳақида тушунча берсангиз?

Б.Холбутаев.

— Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 182-моддасига мувофиқ меҳнат фаолияти, мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш, давлат мол-мулкни вужудга келтирувчи муддат, қонун ҳужжатлариға зид бўлмаган бошқа асослар билан белгилан қўйилган.

Лола НАРЗУЛЛАЕВА,
Самарқанд шаҳар 13-сон ДНИ катта нотариуси.

ЭЪЛОН!

Қйбарли молия иқтисодиёт коллежи талабаси Шоҳидов Бехзод Шавкат ўғлиға берилган №101 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

...Баланд тоғлар оралаб текис йўлда энгил машина гизиллаб боради. Мен йўлдаман. Узоқ муддатлик сафардан сўнг она шахрим, туғилиб ўсган юртимга — Андижонга ошиқман! Шаҳар остонасига катта ҳарфлар билан битиб қўйилган ушбу сўзларни кўриб кўзим кувнайдими: "Жаннатдан бир чимдим — жон Андижоним!" Меҳмондўст халким билан фахрланаман. Шаҳару кишлоқ кўчалари, киру адилларнинг чиройи менга хузуру бағишлайди.

Қушлоққа келиб ота-онамни кўраман. Уларнинг дуоларини олишдек бахт борми дунёда?! Чарчоқ босган, ҳорғин юрагим анча энгил тортади. Келганимдан қувониб менга кўзларини тўлдириб қараб турган онажоним ва соғ-омон кўрганликлари учун Яратганга шукроналар айтаётган отамни кўриб, кўнглим эрийди. Синглим фарзандларини етаклаб келади. Уйимиз бир зумда тўлиб-тошади. Лекин шунда ҳам кўнглим ҳаловат топмайди. Юрагим болалигим ўтган уйимга талпинади! Аммо... аммо у уйга ҳеч қиролмайман. Узоқдан, кўча бошидаги муюлишдан туриб уйимизни томоша қиламан баъзида...

Хаёлан болалик давримга қайтаман-да, ўша уй эшигини ёнида кичик акам ва синглим билан уйнаб ўтирган болалигимизни кўраман.

...Ҳеч нарсадан ташвиш қилмай фақат ўйин билан бандимиз. Челақ кўтариб чиққан онам кўча



четидаги анҳордан сув олиб уйга кириб кетадилар. Учинчи акам ўртоқлари билан мактабдан келади. Кун бироз кеч бўлгач, иккинчи акам ҳам даладаги ишларни тугатиб келиб қолади. Сўнгра узоқдан кўлла-рида портфель кўтариб келаётган дадамга кўзимиз тушади. Биз ўша ёққа қараб югурамыз. Бора солиб акам иккимиз дадамларнинг портфелини талашамиз. У киши эса синглимни кўтариб, эркалатганча биз билан уйга кириб келади. Онам кечки овқатга дастурхон ёзгач, дарвозахонага кўзимизни тикамиз. Айни шу дамда катта акам ҳам ишдан қайтиб келади. Оиламиз жамул-жам бўлади. Беш ака-ука ва оиламизнинг ёлғиз қизи ота-онамизнинг бағ-

рини тўлдириб, дастурхон атрофида тизиламиз.

Катта акам ҳар галгидек ойлик маошларини дадамга топширади. Биз укалар эса буни кўриб, келажакда топармон-тутармон инсон бўлиб, ота-онамизни хурсанд қиламиз деб ният қилардик. Пулини дадамга берган акам дўконга чиқмоқчи бўлса, пул сўрарди. Агар дадам йўқ десалар — чиқмасди. Аммо дадам ҳеч қачон йўқ демаган. Акам синглимни кўтариб дўконга қик, кўчаларни айлантирарди.

Дадам ҳеч қачон бирортамизнинг хатомиз учун уриб жазоламаганлар. Мактабда 42 йил ўқитувчи бўлиб ишлади. Ҳозир ҳам ёнимиздаги 6-7 та қишлоқ одамлари дадамнинг

номини, хизматини ҳурмат билан тилга олишади. Маҳалладаги ёши улуг кишилар, "Ҳа даданг сенларни жуда қўйналиб катта қилди" дейишса, бошқалари "Ҳали бу инсон жуда бахтли ота бўлади. фарзандларининг тарбияси буни айтиб турибди", дейишарди.

...Мана бугун ўша кунлар йилларнинг ортида қолиб кетди. Мен Тошкентда ишлайман. Топганимни акамлардек дадамларга олиб келиб топшираман. Бу менинг орзуим эди. Кечки овқатга йиғиламиз, ота-онам, мен, синглим ва жиянларим...

Акаларим эса... Улар уй-жойли, оилали бўлиб кетишган. Турли жойларда турли вазифаларда ишлайди. Болалигимиз кечган уйимизда иккита акам туради. Учинчисининг тайинли турар жойлари йўқ, гоҳ акаларим билан, баъзан ижарада яшаб юради. Кичик акам эса алоҳида уй-жойга эга. Ота-онам ва мен алоҳида ҳовлида яшаймиз. Ҳамма ҳар ёқда. Дадамларнинг юраклари олтига бўлинган, ҳар ёқда сочилиб ётибди. Акаларим билан қачон охириги марта ота-онамизнинг ёнларида дастурхон атрофини тўлдириб ўтирганимизни эслолмайман ҳам. Оиламиз бугун нима сабабдан бундай аҳволга тушганини баён этмоқчи эмасман. Бу жуда узун қисса.

Шунчаки оиламизни тўқис

Буни ҳаёт дейдилар

тугалликда кўришни истайман. "Унутманг акажонларим, агар мен бир кун эртaroқ оламдан ўтсам, сизлар ёки бирорта жияним менинг ўрнимни босар. Аммо... бир кун келиб ҳеч ким отамизнинг ўрнини боса олмайдими-ку! Ҳозирги пулларингиз эмас, дунёнинг мол-мулкни сарфлаб ҳам отамизни тополмайсизлар! Унда кеч бўлади. дадамга меҳрдан ўзга ҳеч нарсаси керак эмас. Ота меҳрига зорлар йўқми дунёда? Ушалар сизлар учун очик-ойдин эслатма-ку, ахир. Майли, отамизни ҳаж сафарларига юборманлар, майли, топганингиз ўзингизга буюрсин. Фақат, бир илтимосим, отамиз учун сўрайман — ОРТГА ҚАЙТИНГЛАР. Оиламизга, ҳамжиҳатликка, дадамларнинг бағриларига қайтинглар. Уларнинг юракларини бирлаштиринглар. Дадамиз ҳар бирингизни кечиради. Сизлар фарзандларингизни қанчалар яхши кўрасизлар?! Хатоларини кечирасизлар. Отамиз ҳам сизларни кечиради. Уларнинг парчаланган юрагини бирлаштириш учун ҳам ортага қайтинглар", дея акаларимга ўтингим келади.

Чунки кўнглим яна ўша болалик кунларимни, ҳамжиҳат ва ахил оиламизни соғинади. Онамининг, дадамнинг бағри бутун бўлишини истайвераман...

ЗАФАРБЕК.

Бахт остонаси

ДУНЁ ТОПИЛАДИ, ЛЕКИН...

Хонадондан ахиллик кетса, бу аввало фарзандлар қалбига кемтиклик солади. Эр-хотиннинг юрагини емиради. Маҳалла ларзага келади. Алал оқибат хамият зиён кўради. Шу сабаб биз ота-оналарнинг, маҳалла фаолларининг зиммасида ёшларни турмушга тайёрлаш, уларга оилавий ҳаёт масъулиятини, оила муқаддаслигини тушунтириш вазифаси турибди. Никоҳдан ўтаётган ҳар бир ўғил-қиз келгусида ўз оиласи мустақамлиги учун жавобгарлик ҳиссини ҳозирдан теран англаши зарур. Бугунги кунда маҳалла фаоллари, ибратли онахонлар ва фахрийлар билан ёшлар ўртасида ўтказилаётган учрашув ва тадбирларнинг барчаси шу мақсадга йўналтирилган. Токи, ёшлар ҳаётга энгил-елпи назар ташлаб, ўз бахтини ҳар хил хою-ҳавасларга, латта-пугталарга, мол-дунёларга алмашмасинлар. Дунё топила, аммо қўлдан чиққан бахт, бой берилган вақт ортага қайтмайди.

Қувонарли жихати шундаки, юртимизда ёшларнинг никоҳдан ўтиш даражаси юқори. Оилаларнинг бузилиши эса дунё бўйича энг паст даражада. Бироқ оила қуришнинг ўзига яраша масъулият бор. Фарзандларни тарбиялаш, яхши инсон қилиб камолга етказиш, уларнинг табиат ва жамиятга нисбатан ўзаро муносабатини шакллантириш, саломатлигини таъминлашдан иборат. Эртанги кун эгаларининг ҳар жихатдан тўқис бўлиб

улғайишини таъминлаш, яшаш шароитларини яхшилаш, билим олишлари, спорт билан шугулланишларига имкон яратиш учун эса оиланинг иқтисодий ҳолатини бир меъёрга ушлаб



тура билиш керак.

Халқимиз ўзининг болажонлиги, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг самимийлиги, орномусининг кучлилиги, ёшларга иззат, катталарга ҳурмат каби фазилатлар билан алоҳида ажралиб туради. Шарқда ота оила бошлиғи, унинг таъминотчиси ва посбони бўлса, она оила кўрки, орасталиги, фазидир. Фарзандлар оила гулшанининг гўначалари ҳисобланади. Никоҳни қонуний қайд эттираётган ёшларнинг чехрасига боқиб, гўё дунёга қайтадан келгандай ҳушайфият сезасан киши. Уларнинг юзларидаги бахт ёлқини доимий бўлсин. Оила эса уларни жипслаштириб тургувчи бир бўстонга айлانسин.

Машхура МАЛЛАЕВА,
Пастдарғом туман 1-сон
ФХДБ бўлими мудири.

ГУЛЛАР ҲАМ ПУЛ ЧАҚИРАДИМИ?

Хонаки ўсимликлар нафақат ҳавони тозалайди, балки уйни шинам қилиб кўрсатади. Шу билан бирга уларнинг айримлари хонадонга омад, бойлик олиб келиш хусусиятига ҳам эга экан. Бунинг қанчалик ҳақиқат эканини билиш учун қуйидаги ўсимликларни парваришлаб кўринг.

КРАССУЛА

Уни "пул дарахти" деб ҳам аташади. Асл ватани Жанубий Африка. Ҳозирги кунда бизнинг иқлимга ҳам яхши мослашган. Айтишларича, у ўзига пул тортиш хусусиятига эгамиш. Крассула қанча тез ўсса, даромадлар ҳам шунча тез кўпаяди. Яхши ўсиши учун эса уни яшил ёки қизил рангдаги тувакка экиш керак. Унинг япроқлари қанчалик бақувват бўлса, шунчалик кўп бойликка ишора. Энг муҳими, қуриб қолишига йўл қўймасангиз бўлгани. Мабодо гулласса, қутилмаган бойлик келишидан дарак деяверинг.



ЁРОНГУЛ (герань)

У энг шикастнафс, ҳашаротларга қарши қурашувчи ўсимликдир. Унинг ёнига азалия ўсимлигини қўйсангиз, даромадларингиз икки баробар ортиши мумкин. Шу билан бирга бу ўсимликдан таралаётган ўзига хос ҳид инсон руҳиятига осойишталик бахш этади. Фақат уни ётоқхонада ўстирмаган маъқул. Чунки ундаги эфир мойининг ўткир ҳиди бош оғриқни келтириб чиқариши мумкин.



КАКТУС

Бу ўсимлик уйнинг моддий фаровон-

Биласизми?

лигини асрайди. Уни қуёш нури тушадиган жойга қўйиш шарт. Айтишларича, у хонадонни ўғрилاردан ҳам ҳимоя қиларкан.



ФАРОВ (бамбук)

Бу ўсимликнинг гуллаши — омад ва моддий ўсиш рамзи. Бамбук олиб келган омад сизни ҳеч қачон тарқ этмайди. Парварининг асосий шарт — ёзда мўл-қўл сугориш. Бамбук ёнига қўйилган уч панжали ва оғзида танга ушлаб турган бақа ҳайкалчаси моддий фаровонликка янада тезроқ етишга ёрдам беради.



ҚИРҚКУЛОҚ (папоротник)

Сувни ёқтирадиган бу ўсимлик керакдиз маблагларни сарфлашдан сизни ҳимоя қилади ва тургун моддий фаровонлик олиб келади. Афсоналарга кўра, мерос олган одамлар ундан олдин қирқкулоқ ўсимлигини уйига олиб келиб экканлар.



Феруза ЭРНАЗАРОВА
тайёрлади.



ЧОЛҒУЛАР ОЛАМИ

Баҳор келгач атроф яшнаб, ҳар тонг кушлар сайроғидан уйғонамиз. Гўё ёқимли куйлар тинглагандек, руҳимиз энгил тортади. Чиндан ҳам аксарият мусиқа оҳанглари айнан кушлар сайроғига тақлиддан келиб чиққан. Турли кушлар сайроғига сошлаб ишланган бир қанча мусиқа асбоблари мавжудлиги ҳақида газетамизнинг




аввалги сонларида ёзган эдик. Бу гал чолғу асбоблари билан боғлиқ айрим қизиқarli далилларни келтирамиз.

Орган, клавиқорд ва клавесин энг қадимги клавишли мусиқий асбоблар ҳисобланади.

Ирландия волинкеси деб номланувчи антиқа пуфлама чолғуни сиз хориж фильмларида ёки концерт дастурларида кўргансиз. Ушбу асбоб ирландларники бўлса-да, унда куй чалувчи жамоалар сони Ирландиядан кўра АҚШда кўпроқдир.

Скрипкаларни чалишда фойдаланиладиган камончанинг тори от ёлидан эканини яхши биласиз. Бу камончаларни ишлаб чиқарувчи мутахассисларнинг фикрича, уларга тортилган оқ ва оч рангли от ёллари қорға ёки тўқ рангдаги ёллarga қараганда майинроқ куй таратар экан. Скрипкада тўртта тор бўлса, катта концертларга мўлжалланган арфанинг 47 та тори бўлади.

Саксофон 1870 йилда ихтиро қилинган. Бироқ бу чолғу мусиқасеварлар томонидан у қадар илиқ қутиб олинмади. Шу боис мусиқачилар ундан самарали фойдаланишмади. Утган асрнинг 20-йилларида келибгина саксофон мусиқа оламида ўз ўрнини топди. Яъни, жаз жанри пайдо бўлгач, ушбу асбобнинг ҳам "омади юришиб" кетди.



Кларнет, саксофон каби мисдан ясалган пуфлама чолғу асбобларининг лабга қўйиладиган қисмига ўрнатилган махсус қалпоқча мундштук деб аталади. Мундштук сўзи немисчадан олинган бўлиб, мунд – лаб, штук – парча каби маъноларни англатади.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

ОРЗУЛАРИМ УШАЛМАДИ

Ассалому-алайкум, ҳурматли таҳририят ходимлари!

"Бахтли бўлинг" руқни орқали мен каби кўнгли ярим инсонларнинг бахти очилаётгани ҳақидаги мақолаларни ўқиб, бир олам умид ва ишонч билан сизларга мактуб йўллаяпман. Биз оилада уч фарзандимиз. Отам ҳайдовчи, онам уй бекаси. Уйимизда табиятан қаттиққўл, қайсар ва жижза отамнинг айтгани айтган. Онам эса оғир-босик, соддадил ва меҳрибон аёл. У киши шу пайтгача оила ташвишлари, уй-рўзгор юмушлари билан овора бўлиб биз билан суҳбатлашиб, муаммоларимизни эшитишга сира вақт топмаган.

Мактабни тугатгач, ТДПУга ўқишга кирдим. Ота-онамга муносиб фарзанд бўлиб, ёруғ юз билан ўз туғилиб ўсган қишлоғимга қайтишни ва оила қуриб бахтли бўлишни орзу қилардим. Талабаларнинг охириги йиллари уйимизга совчилар кела бошлашди. Дадам қизимни фақат ўз қишлоғимга узатаман деб туриб олдилар.

Ўқишни тугатиб, қишлоққа қайтгач, коллежга ишга кирдим. Пахта мавсумида Шўхрат деган йигит мени ёқтириб қолганлигини, совчи юбормоқчилигини айтди. Аммо кейин эшитсам, у олдин ҳам уйланган, хотинининг туқанок касали борлиги сабабли суд орқали ажрашган экан. У уйимизга совчи юборди. Мен ўзим ёқтирган инсонга турмушга чиққанымдан жуда бахтиёр эдим.

Ойлар ўтиб ҳомилдор бўлдим, уй юмушлари билан бўлиб шифохонада ётиб даволана олмадим. Уй шароитида муолажа олишга мажбур бўлдим. Кўз ойларидида ҳаво совиб, қаттиқ шамоллаб қолдим. Бунга ҳеч ким эътибор бермади. Рўзгордаги ҳамма оғир юмушларни ўзим бажарардим. Турмушимизда ўзига яраша қийинчиликлар, ҳар хил гап-сўзлар бўлиб турарди. Хафа бўлсам-да, дардимни ичимга ютардим. Ана шундай кулларнинг бирида ҳомиламдан айрилиб қолдим.

Барча қийинчиликлар, муаммолар ана шундан кейин бошланди. Орадан икки йил ўтди ҳамки, қайта ҳомилдор бўлмадим. Турмуш ўртоғим, хафа бўлма, ҳаммаси ўтиб кетади, деб мени юлатарди. Бу орада дадам ҳам қуёви билан тил то-

пишиб, бизга ер устаси совға қилди. Яхши ниятлар билан қурилиш бошладик.

Дадамнинг туғилган кунинида менинг маош олганим қўл келиб, совға олиб, хўжайиним билан табриклашга бордик. Эртаси куни қайнонам роса жанжал қилди. (Сабаби, бир ой олдин қайнотамнинг туғилган кунига совға ололмагандик.) Ўша кундан бошлаб қурилиш ҳам



Бахтли бўлинг

тўхтатилди. Бу жанжаллар дадамнинг қулоғига етиб борди ва яна тўнни тескари кийиб олди ва оқибатда устасани қайтариб олди. Бизнинг оиламиз шу кун бузилди.

Хуллас, ҳаётимни янгидан бошламоқчиман. Қашқадарё вилояти ёки Тошкент шаҳрилик 35-40 ёшгача бўлган, касби-кори тайин, уй-жойи бор эркак билан оила қурмоқчиман.

АНОРА,
Қашқадарё вилояти.

ОНАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

Ҳурматли таҳририят! Ушбу мактубни дадамнинг ёлғизлиқдан қийнаётганларини кўриб, умид билан ёзаяпман. Дадам бизни ўқитиш, уйли-жойли қилиш

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» руқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

Табиаат — дорихона

ЎЗИ АЧЧИҚ, ШИФОСИ ШИРИН

Пиёз организмдаги қанд микдори яхши қайта туриш хусусиятига эга. Кўп микдорда пиёз қўшилган суяк таомлар қандли диабет хасталиғи билан оғирган беморларга жуда фойдали. Унинг таркибиде олтингугурт, эфир мойи, қанд-глюкоза, инулин, фитин, азотли моддалар, витамин С, В, каротин, флавоноидлар, йод, фитонцидлар мавжуд.

■ Сўғалларни даволашда Ибн Сино пиёзга туз қўшиб фойдаланган.

■ Пиёз барглари ёрилган терига, қадоққа қўйилса, фойда беради.

■ Ибн Сино манбаларида келтирилишича, пиёз шарбатини газакўт суви ва туз билан бирга қутурган ил тишлаган жойга қўйилса, яхши самара беради.

■ Гижжалардан фориг бўлиш учун сархил пиёздан қунига 15-20 граммдан истеъмол қилинади. 7-10 кунда фойдаси сезилади.

■ Болгариялик олимларнинг таъкидлашича, тумов, грипда барра пиёз сувига буғланган пахта пилик бурун катагига тикилса, бемор касалликдан халос бўлади.

■ Барра пиёз овқат ҳазм бўлишини яхшилайди, соч тўкилишининг олдини олади, шарбатини қанд билан аралаштириб истеъмол қилинса, организмни мустаҳкамлайди.

■ 2 донга ўртача катталиқдаги пиёз ни майда қилиб тўғраб, 1 стакан сутга аралаштириб қайнатилади. 4 соат тиндирилгач, тайёр бўлган бўтқани доқада ўтказиб, сузилади ва қунига 1 ош қошиқдан ҳар 2-3 соатда ичиб турилса, кучли йўтални бартараф этади.

■ Пиёз ва асал аралашмаси мия склерозига дармондори сифатида тавсия этилади. 1 стакан пиёз шарбатини 1 стакан асал билан аралаштириб, 1 чой қошиқдан ҳар куни уч маҳал овқатдан 1 соат олдин ёки овқатдан 2-3 соат кейин 2 ой давомда истеъмол қилинади.

■ Қирғичдан ўтказилган пиёз бўтқаси тери қуйганда, совуқ урганда ижобий натижа беради. Худди шундай бўтқани доқада ўраб, лат еган жойга қўйилса, яхши малҳам бўлади. Чала пишirilган пиёз хўпоз ва чипконинг тезроқ етилиб ёрилишига ёрдам беради. Бундан ташқари бавосилга малҳам сифатида қўллаш мумкин. Шунингдек, пиёз бўтқаси юздаги доғ, сепкил ва ҳуснбузарларни йўқотишда ҳам қўлланади.

Юқорида тавсия этилган дармондорилардан фойдаланишдан аввал мутахассисдан маслаҳат олиш мақсадга мувофиқдир.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА
тайёрлади.

Оила почтасидан

мақсадида хорижга ишлагани кетганидан кейин онамнинг қон босимлари тез-тез ошадиган бўлиб қолди. Дадамга онамнинг таъзиясига ҳам етиб келиш насиб этмади.

Йиллар ўтди. Дадамини уйлантиришга қарор қилдик. Мен оналарнинг бегонаси бўлмайди деб ҳисоблайман. Дадам билан турмуш қурадиган аёл уйимизнинг тўрини тўлдириб, у кишининг иссиқ-совуғидан хабар олиб турсалар бўлди. Оилада уч ўғил, бир қизимиз. Иккита акам уйланган, синглим турмушга чиқиб, бола-чақали бўлган. Мен шу оиланинг кенжа фарзандиман. Ҳозирда ҳарбий соҳада хизмат қиламан. Кўпинча хизмат юзасидан сафарда бўламан. Дадамнинг ёшлари 56 да. Андижонлик 50 ёшгача бўлган аёл бўлса, биз уларни онамиздек қабул қилардик.

ИНОМЖОН,
Андижон вилояти.

ЎТТИЗ ЁШДА ЎРНИМНИ ТОПДИМ

Сизларга мактуб ёзаяпману ҳаяжонланганимдан ҳаёлимга бирорта ҳам чиройли сўз келмаяпти. Фақат ич-ичимдан миннатдорлик туйғусини ҳис этаёпман. Биз Наргизахон билан 2010 йил «Бахтли бўлинг» руқни орқали танишиб, бир йилдан сўнг оила қурдик. Унгача аёлим билан олти йил яшаб, хиёнат туфайли ажрашганим. Собик хотиним ўғлим Нусратжонни ўз розилиғи билан менинг тарбиямда қолдирди. Энди унинг ширинлигига сингилчаси бор. Хуллас иккита қуйган кўнгил бирлашиб, чиройли бир оила барпо бўлди.

Бунинг учун сизлардан миннатдоримиз.

БУНЁД,
Тошкент вилояти.

ҲОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Карам шўрвага картошкани карамдан олдин солсангиз унинг мазаси янада ширин бўлади.

Кайнатишган тухумни кесишдан олдин пичоқни совуқ сувга ботириб олинг, шунда тухум сариғи ушалиб кетмайди.

Таги олган идишга бир оз сирка солиб 8 соат давомида қолдирилса, қуйқа тез кетади.

Винегрет салатига бир чой қошиқ шакар ва бир ош қошиқ сут солсангиз, мазаси янада ширин бўлади.

Туш, лаб бўёғи, тонал креми, румян каби пардоз воситаларини ярим йилдан ортиқ ишлатиш мумкин эмас. Чунки, улар ташқи инфекцияларни ўзига тез тортувчан бўлади ва узок муддат ишлатилганда инфекциялар йиғиндисига айланиб улгуради.

Қошлар янада қалинроқ кўриниши учун уларни қалам билан эмас тенг ёки қош учун мўлжалланган туш билан бўяш лозим.

Пиёда юриш, югуриш, гимнастика, велосипедда сайр қилиш ва сузиш машгулотлари тез қаришининг олдини оловчи энг яхши восита ҳисобланади.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.

ОБОДЛИК

ҲАМ КЎНГИЛДАН, ҲАМ ЙЎЛЛАРДАН БОШЛАНАДИ

Бу дунёда аслида ҳаммамиз йўловчилармиз. Келамиз-кетамиз. Йўллар ҳам кўҳна Шарқ миноралари каби минг бир воқеа-ходисотлардан гувоҳлик бераверади. Минг шукрки, бугун юртимиз кўнглимизга монанд равишда обод ва гўзал бўлиб бораётир.

...Наврўз сайиллари кунини Сурхон ва Қашқа воҳасининг чексиз кенгликлари, далаю даштларини кезиб, юртдошларимизнинг сўзлари таърифларга сизмас байрамона ҳаяжон-ҳайратларига, қувончли лаҳзаларига шерик бўлди. Бир дунё таассуротлар билан пойтахтга қараб йўл олди.

Олис сафарнинг гашти билан бирга ташвиши ҳам бўлиши табиий. Тўрт кун бурун пойтахтдан енгил автомашинада йўлга чиққан эдик. Бир неча кунлик байрам учрашувлари, гурунгу меҳмоннавозликлардан эмас, аксинча, гоҳи текис, гоҳи нотекис йўллардаги айрим нокулайликлар бизларни анча толиқтириб қўйди.

Аввалига бир шеригимиз энди Қарши шаҳридан чиқётганимизда ўзини лоҳас сезаётганини айтиб, машинани тўтатишимизни сўради. Хавотирга тушганча, балки ортга қайтасан-чи, бирон поликлиника ёки тез ёрдам шифохонасига муурожаат этсак, дегандик, у киши кўнмади. "Қўйинглари, бир мени деб ортга қайтмайлик, ўтиб кетади, нимадир ёқмади, шекилли, йўл-пўлда дорихона учраб қолар" дея машинага чиқди...

Энг катта ҳудудни эгаллаган Чироқчи туманидан ўтиб, Самарқанд вилоятининг Жом қишлоғидан ўтиб кетяптимиз, ҳаммамизнинг бутун диққат-эътиборимиз ҳолсизликдан чарчаб, эндигина кўзи илгинган ҳалиги шеригимизда. Чунки унинг баҳонасида бошқа мавзулар қолиб, кела-келгунча ҳар бир тепалигу қишлоқ-овулларни санаб келдик-да. Ниҳоят, йўлчилар ибораси билан айтганда, "М-39" деб номланган йўлнинг Самарқанд шаҳри ҳудудидан ўтаверишдаги "Нон бозорчаси"да бирпас тўхтадик. Биримиз нонга, бошқамиз эса тоби қочиб ётган ҳамроҳимизга дори-дармон излаб кетдик. Қизик, баҳоси энг арзон бўлган дорини ҳатто анқонинг уруғиям топиладиган бозор ҳудудидан тополмадик. Охири курут сотадиغان бир аёлдан сўрадик. "Бу жойда нону патирнинг ўн

хили, қанд-қурсининг минг тури бору, лекин дорихона хув шаҳарнинг ичида, шу ёққа борақолинглар" деб жавоб берди у. Ноилож, ичкарига киришга маж-



бур бўлдики...

Дорихоначи ҳам абжиргина, устига устак гапга чечанроқ йигит эканми, тоби қочиб турган сафардошимизни қўриб, ўзича "ташхис" қўя кетса денг: бир зумда фалон сўмлик дори-дармонларни қалаштириб ташлади. Соддалик ҳам эви билан-да, дўстимиз секингина "Огайни, сиздан кўра менинг ўзим дардимни яхшироқ биламан, фақат манави биттагина дорини бера қолинг, шуниси етади", деди ҳозиржавоблик билан.

Шу заҳотиёқ ҳалиги дўстимиз бир пасда ўзига келди ва яна ҳушқақчақ кайфиятда ҳазил-хузул бошланиб кетди. Энг кизиги, бошидан ўтган табиб деганларидек, у йўл-йўлакай бизларга деди: "Сизларни билмадим, лекин менинг хаёлимга бир ғалати фикр келди, ҳуллас, то пойтахтга кузатмоқчиман, қани йўл устидаги манзилларда қанча ошхонаю чойхона, маиший, техник хизмат кўрсатиш жойларидан ташқари қанча вақтинча дам олиш бекатлари, дорихоналар бор экан!"

Аввалига кулгули туюлган, лекин ку-



Ойна

тилмаган бу таклиф ҳаммамизни қизиктириб қўйди ва ўзимизча сон-санокдан адашиб кетмаслик учун қозғоқчага айтилган жойларни қайд этиб кела бошладик. То Сирдарё шаҳарчасига етиб келгунимизча, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, юздан зиёд ошхона ва кафелар (бу ҳисобга ёймачи ва стол-стул қўйиб олган норасмий сомсаю мантипаз ва бошқалар кирмайди) борлигига гувоҳ бўлдик. Яқун эса...минг афсуски, кўнгилини андак хира қиладиган ҳолатда эди! Яъни йўл устида турли-туман бўлар-бўлмас номлардаги ошхонаю кафелардан тортиб, техник хизмат кўрсатиш устаконаларигача бору, аммо толиққан йўловчи (бу йўллардан бир кунда қанчалаб оғир ва енгил машинаю техникалар дунёнинг исталган манзилига ўтиб-қайтишини тасаввур қилинг!) учун етарли даражада маданий-маиший шароит (иссиқ жонмиз, ахир, дорихона, вақтинча тўхташ манзили, хожатхоналар ва ҳ.) лар яратилмаган. Яна бир жиҳати, худди ана шу йўлларимиздан бизлар билан ҳар томонлама бемалол қонуний равишда ҳамкорлик қилиб келаётган хорижий давлат фуқаролари, яъни ишбилармонлар, меҳмону, зиёратчилар, хайдовчилар ҳам ўтиб қайтишмоқда. Шу боис масаланинг бу каби нозик жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор қаратсак хайрли бўларди.

Ободлик кўнгиладан бошланади, деган ҳикматли ибора бежиз айтилмаган. Мустақиллик шарофати туфайли бугун дунё ҳамжамиятида ўз ўрнимиз, нуфузимизга эгамиз. Ҳар кун юртимизнинг барча ҳудудларида бунёдкорлик, ободончиликлар, улкан ўзгаришлар рўй бераётир. Ва бизни дунё билан боғлаб турган "қон томирлари" — Ўзбекистон йўллари ҳам жаҳон талаблари даражасида тикланаётгани рости. Шундай экан, биз оддийгина бир сафар баҳонасида кўрган-кечирган манзараларимиз юқоридаги буюк бунёдкорликларга заррача қубоқ юртирмаслиги аён. Лекин ўзимиз яшаб турган заминни гуллаб-яшнашти, обод қилиш, эртанги кун эгалари қўлга бус-бутун ҳолида тақдим этишдек масъулиятли вазифа бугунги авлодлар чекига тушган бир пайтда бундай арзимас хатоликларни тузатмоқ сизу бизнинг, маҳаллий ҳокимлик ва идораларнинг, қолаверса, ҳар бир ҳудуд аҳлининг бурчидир.

Озод КАРВОН.



Қатра

барчаси "Ҳаёт" аталмиш муаллимнинг бизга берган сабоқлари, дарслари десак, хато бўлмайди. Шу ўғитлар орқали яшашнинг асл моҳиятини англаб, ўз ўзимизни бошқармоқни, тўғри хулоса қила билмоқни, жумбоқларга жавоб томоқни ўрганамиз — аста-секин улғаямиз!

Аслида-чи? Ҳаёт имтихонларидан эсон-омон, кўнгилда битмас жароҳат қолдирмасдан ўта олмақлик эса ҳақиқий БАХТ эмасми?!

Зилола ХУДОЙБЕРДИЕВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика
факультети талабаси.



ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Туркиянинг Истамбул шаҳрида Ёшлар ўртасидаги ЖЧ-2013 мусобақасининг финал босқичига қуръа ташланди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси «F» гуруҳидан ўрин олди.

Бизнинг гуруҳдан Океания чемпиони, Уругвай ва Хорватия термалари ҳам ўрин эгаллашди.

Ўзбекистон гуруҳининг ўйинлари Бурса шаҳрида бўлиб ўтади.

Бокс. Россиянинг Анапа шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда йигирмага яқин мамлакатдан 100 нафардан зиёд боксчи иштирок этди. Мусобақада 64 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан ҳамюртимиз Бектемир Мелиқуев сербиялик Сабо Флориан ва россиялик Шамиль Мальсаговни мағлубиятга учратиб, бронза медалини қўлга киритди.

Волейбол. Хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати олий лигасида иштирок этаётган жамоалар учинчи тур учрашувларини ўтказди. Пойтахтда ўтган беллашуларда мезбон жамоа — "СКИФ" волейболчилари олтига учрашувни ўз фойдасига ҳал қилиб, 45 очко билан пешқадамлик мавқеини мустаҳкамлади.

Қорақалпоғистон Республикасининг "Нукус педагогика институтини" жамоаси 28 очко билан иккинчи ўринни эгаллаб турган бўлса, Урганчининг "Хоразм коллеж" жамоаси 14 очко жамғариб, учинчи ўринда бормоқда.

ЧАВАНДОЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

Тошкент вилоятида от спорти бўйича Ўзбекистон кубогини яқунланди.

Баландлиги 1 метрлик тўсиқлардан ўтиш бўйича андижонлик Сардор Раҳмонов "Фаворит" лақабли оти билан голибликни қўлга киритган бўлса, икки от билан қатнашган пойтахтлик Темура Азизов кумуш ва бронза медаллари соҳиби бўлди.

115 сантиметр баландликдаги тўсиқлардан от сакратиш баҳсида пойтахтлик Оқил Собиржонов биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллади. Андижонлик Сардор Олимжонов эса учинчи ўрин билан кифояланди.

Самарқандлик тадрибали спортчи Умид Комилов 120 сантиметр, пойтахтлик Азиз Содиков 130 сантиметрли тўсиқлардан от сакратишда голиб бўлди.

Қизлар ўртасида от йўрттириш баҳсларида Тошкент вилояти вакиласи Елена Честякова олтин, пойтахтлик Евдокия Камолова кумуш ва Анна Михайлова бронза медал билан тақдирланди.

Интернет манбалари асосида
Илхом ЖУМАНОВ тайёрлади.

ОҒРИҚЛИ ЖОЙ

Бахтни ҳар ким турлича тасаввур этади. Нега шундай?

"Заковат" телеўйинида билимдонларга шундай савол берилган эди "Одамнинг жони қаерида бўлади?" Жавоб: "Тананинг оғриётган ерида".

Одамнинг бахти ҳам унинг наздида ўзи учун "оғриқли" бўлган жойда. Инсонга нима етишмаса, шу нарса унинг орон орузга айланади. Шу ниятга етмоқлик унга охир бир кун бахт олиб келади. Ҳар кимнинг орзуси эса турлича.

Дарвоқе, "оғриқли жой"... Хом сут эмган бонқаримиз. Бизга инъом этилган неъматлар қадрига кеч ета-

миз. Бирор бебошликка қўл уриб қўямиз-у, хато қилганимизни англаб, афсус-надоматга хотиржамлигимизни алмашиб қўямиз. Кўнгиладан ҳаёлати ўрнини эгаллаб олган ташвиш, армонимиз ҳам оғриқ жойимиз бўлади. Ва шу дамда аввалги тинч кунга, бахтли дамларга қайтмоқликни истаб қоламиз...


Табиатда ҳеч бир гиёҳ, жонзот бекорга яратилмаганлиги, ҳар қайсисининг қандайдир фойдали хислати бўлгани каби, ҳаёт йўлларимизда дуч келадиган муаммоларимиз, ташвиш-юмушларимиз, ҳатто хатоларимизнинг ҳам ўз ўрни, аҳамияти бор. Аслида буларнинг

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz



МАНШИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темура кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон
МУСУРМОНОВА

Саҳифаловчи — Илхом ЖУМАНОВ
Мусаххиллар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 328. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 10580. Баҳоси келишилган нархда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 5